

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 251-252 (11.060-11.061)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

●Тошкентда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг 2007 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

●Тошкент Давлат техника университетида «Махсулот сифати менежменти йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш — давр талаби» мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

●Фаргона вилоятининг Кува шаҳрида китоблар маркази ишга туширилди. Бу хайрли ишга «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси қошидаги «Шарқ зиёкори» ОАЖ камарбасталик қилди.

●Республика киночилар уйида «Ўзбекино» миллий агентлиги буюртмасига биноан «Ҳасан-фильмс» студияси томонидан суратга олинган «Чавандоз» номли янги фильм тақдими бўлиб ўтди.

●Шахрихон туманининг Оқтўнлик қишлоғида истиқомат қилаётган ёш тадбиркор Муроджон Тожибоев черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада ўн киши иш билан таъминланди.

●Марғилон шаҳридаги Маъмуржон Узоқов номли маданият ва истироҳат боғида барча қулайликларга эга пенсионерлар маркази биноси фойдаланишга топширилди. Марказни ташкил этишдан асосий мақсад ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг маданий дам олиши ва бир-бирлари билан мулоқотда бўлишларини таъминлашдир.

●Ангренинг асосан фахрийлар ва ногиронлар саломатликларини мустаҳкамлаётган сўлим гўшасида жойлашган вилоят соғломлаштириш марказида «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурида белгиланган навбатдаги тадбир — қўшиқ ва кулги кечаси ташкил этилди.

●Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Истиклол — хотин-қизлар тақдирида» мавзусида фотокўргазма очилди.

ЖАҲОНДА

●Кеча Покистоннинг Равалпинди шаҳрида парламент сайловларидан олдин маъруза қилган Покистоннинг собиқ бош вазири, ҳозирда муҳолифатда бўлган Беназир Бхуттога нисбатан суиқасд уюштирилди. У нутқ сўзлаб бўлиб автомобилга ўтираётганида террорист Бхуттога иккита ўқ узиб, сўнгра ўзини портлатиб юборган. Беназир Бхутто касалхонада ўзига келмаган ҳолда ҳаётдан кўз юмган. Шу муносабат билан Покистонда уч кунлик миллий мотам эълон қилинди.

●Сербия парламенти мамлакатга бета-раф давлат низомини эълон қилди. Парламентнинг бундай қарорига келишига мамлакат таркибидаги Косово ўлкаси тақдири борасида Европа Иттифоқи ва АҚШ жиддий ишга киришаётгани сабаб бўлган. Ҳукумат вакилларининг сўзларига кўра, бундан бу ёғига Сербия ички сиёсатини фуқаролар ташқи аралашувларисиз референдум ўтказиш орқали ҳал этади. Агар Косово мустақиллиги тан олингудек бўлса, Сербия ЕИ ва АҚШ билан дипломатик алоқаларини узати.

●Чад Республикаси суди бундан 2 ой муқаддам ҳибсга олинган Франциянинг гунаҳдор ташкилотларидан бирининг Европага 103 нафар болани ноқонуний тарзда олиб кетганида айбланаётган 6 та аъзосини 8 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этди. Шунингдек, айбланаётганларнинг ҳар бири қирқ миллион маҳаллий франкдан жазима ҳам тўлашади.

●Афғонистон ҳукумати Европа Иттифоқи вакили ва БМТнинг ходимини мамлакатдан чиқариб юборган. Мазкур икки нафар Буюк Британия фуқароси ҳукуматнинг рухсатисиз «Толибон» ҳаракати жангарилари билан махфий музокаралар олиб боришда айбланмоқда.

●Украина парламенти мамлакатнинг 2008 йилга давлат бюджетини тасдиқлади.

●Кеча Москва областада «Газел» микроавтобусининг автокран билан тўқнашиб кетиши оқибатида микроавтобус ёниб кетди. Натижада унинг салоинидаги 6 киши ҳалок бўлди, 8 йўловчи тана жараҳатларини олиб касалхонага ётқизилди.

●Индонезиянинг бир неча ороллари тинимсиз ёғайтган муссон ёмғирларидан жиддий зарар кўрди. Хусусан, кучли ёғингарчилик оқибатида Ява оролининг тоғли ҳудудларида ер кўчишлари содир бўлган. Хабарларга кўра, кўчки оқибатида юздан ортқ киши ҳалок бўлган. Мутахассислар сўнги 50 йил ичида Индонезияда бундай кучли ёғингарчилик бўлмаганлигини айтишмоқда.

●Кеча Перуда қондасиз жанг бўйича ҳаваскорлар ўртасида турнир бўлиб ўтди. Унда эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам иштирок этди.

Пойтахтнинг Бир кунли Янгиликлар, воқеалар

ШАҲРИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИНИНГ АМИР ТЕМУР ЗАЛИДА ХАЛҚАРО ЛОЙИҲА АСОСИДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ЙИЛ ТАНЛОВИ»НИНГ БУ ЙИЛГИ ГОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.




«Йил танлови—2007»

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Эслатиб ўтиш жоизки, етти йилдан буён «Йил танлови» лойиҳаси Европа ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлар жамғармаси ҳамда Ўзбекистонда фаолият юритаётган «Ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлар агентлиги» хорижий корхонаси билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда. Ушбу танлов натижалари республикамиз аҳолиси ўртасида ўтказилган сўров бўйича, шунингдек, Интернет сайтлари орқали аниқланади.

Кувонарлиси, жорий йилда «Йил танлови—2007» босқичида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг мах-



белгисига эга махсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи корхона ва ташкилотларни голиб деб топилди. Улар орасида «ALUTEX» (алюмин профиллар); «LOK Kolor SINTEZ» (лак-бўёқ махсулотлари) қўша корхоналари махсулотлари эътироф этилди.

Шуниси ҳам эътиборлики, сўров натижаларига кўра, истеъмолчилар юртимизда фаолият юритаётган кичик корхона ҳамда хусусий тадбиркорларнинг ички бозордаги ўрнига ҳам юқори баҳо беришган. Жумладан, «AIRPRODSHAB» («ELENA plus» савдо белгиси остида тайёрланадиган майонез ва кетчуп); «Surhan Med Cotton» («OMONXONA» шифобахш минерал суви) масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Тўхтаниёз ота» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган колбаса ва гўшт махсулотлари сифат кўрсаткичлари, шунингдек, таннархи билан кўпчиликка манзур бўлаётгани инобатга олинган.

Халқаро лойиҳа шартларига кўра, голиблар Европа ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлар жамғармаси қароргоҳи жойлашган Брюсселда ушбу танловнинг ҳар йили ўтказиладиган ақий «форумида иштирок этиш ҳуқуқини ҳам кўлга киритишди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Сўз — халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМИЙЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

Демосфенис БАРДЗОКАС, Афина миллий техника университети профессори:

— Мен кўплаб сайлов участкаларида сайлов жараёни кузатишга муваффақ бўлдим. Бунда Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилиги, халқаро меъёрлар ҳамда демократик тамойилларга эид бирор ҳолатга кўзим тушмади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурларининг тарғибот-ташвиқот ишлари соғлом ва ҳалол рақобат асосида ўтди.

Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари турли ҳудудларда ва жойларда сайловчилар билан беш юздан зиёд учрашув ўтказгани, округ, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг малака ва кўникмасини янада ошириш учун қатор семинар машғулотлари ташкил этилгани Ўзбекистон ҳаётидаги ушбу муҳим воқеага пухта тайёргарлик қўрилганидан, сайловнинг очик, ошқора ва транс-

парент ўтганининг тасдиғидир.

Сайловчиларнинг сайлов участкаларига эрта тонданок кўтаринки кайфиятда келиб, фаол овоз бергани бу жараёнинг мутлақо эркин кечганини англатади. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар учун барча шароит ва имкониятларнинг яратилгани эътиборга молиқдир. Ваҳоланки, дунёнинг айрим давлатларидаги сайлов амалиётида хориждан кузатувчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон халқи Президент сайловини халқаро нормалар ва андозалар талабларига биноан ўтказиш билан ўз олдига қўйган юксак мақсадларига, қабул қилган Конституцияси, демократик жамият қуриш борасида амалга ошираётган ислохотларига содиқлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намойиш қилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МУҚОБИЛЛИК ВА ОШҚОРАЛИК АСОСИДА ЎТДИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯКУНЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ХАЛҚАРО ВА МАҲАЛЛИЙ КУЗАТУВЧИЛАРИНИНГ КЕНГ ИШТИРОК ЭТгани сайлов жараёнининг демократик ва ошқоравлик тамойиллари асосида ўтганини яна бир бор тасдиқлади. Буларнинг барчаси хорижий оммавий ахборот воситаларида, турли мамлакатларнинг сиёсий ва экспертлар доираларида Ўзбекистонда давлат раҳбарини сайлаш жараёнига нисбатан катта қизиқишни уйғотди.

«Берлинер Умшау» электрон нашри (Германия) билдирган фикрларга қараганда, Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилиги умум миқёсда қабул қилинган эркин, ошқора ва ҳаққоний сайлов тамойилларини ўзида акс эттирган. Конституцияда сайловларнинг умум эътироф этилган демократия андозаларига мувофиқ ўтказилишига тўсиқ бўладиган ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Асосий қонунда халқ ҳокимияти, ошқоравлик, муқобил сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш каби муҳим тамойиллар мустаҳкамланган. Германияда нашр этиладиган «Markenpost» газетаси мазкур президент сай-

ловида аёл киши номзодининг илк бор иштирок этганини ижобий баҳолаётган экан, аҳолисининг кўпчилиги ислом динига эътиқод қилувчи мамлакат учун бу жиҳат гоят аҳамиятли эканини таъкидлади. Нашр сайловлардаги овоз бериш чоғида сайлов қонунчилигининг меъёрларига риоя қилиш жараёнини Европа давлатларининг вакиллари кузатиб борганини қайд этди. Шу маънода, бўлиб ўтган президент сайловлари Ўзбекистоннинг сиёсий жиҳатдан янада тараққий топишида муҳим босқич сифатида баҳоланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОДИ

ХУРРИЯТИМИЗ, ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ БЎЛГАН МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛГАНИГА БУГУН ИККИ ЙИЛ ТЎЛДИ.

Мустақиллик майдони Ватанимизнинг юрағидир. Юртдошларимизнинг, мамлакатимиз меҳмонларининг бу муқаддас масканини зиёрат қилишида чуқур рамзий маъно бор. Эро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуг, энг азиз нъмат — Истиклолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга берган нъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муаззам майдон тимсолида нафақат тасаввур қиламиз, балки юракдан астойдил ҳис этамиз.

Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намойён этсин, деган эди давлатимиз раҳбари Ислам Каримов.

(Давоми 2-бетда).



САМИМИЙ КҮТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин кўнгилдан табриклашимиз...

Сайловда гўлиб чиққангиз сайловчиларнинг Сизга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси, Сизнинг давлат арбоби, тажрибали сиёсатчи ва олий инсоний қасдларининг...

Ишончим комилки, Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги аънаванавий дўстлик ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам янада кенгайиб бораверади.

Сизга, мухтарам Ислам Абдуганиевич, мустақам соғлиқ, барча эзгу ниятларингиз рўйбга чиқишини, мамлакатингиз халқига эса тинчлик, оқойишталик ва фаровонлик тилайман.

Эхтиром ила, Александр ЛУКАШЕНКО, Беларусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда гўлиб чиққангиз муносабати билан самимий табриклашимиз қабул қилгайсиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам сийҳат-саломатлик, бахту омад, қардош Ўзбекистон халқига эса янада юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Эхтиром ила, Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ, Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табриklarимизни йўллашдан мамнунман.

Сизнинг сайловда гўлиб чиққангиз Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш ва гуллаб-яшатишга, минтақа мамлакатлари билан аънаванавий алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлашга қаратилган сиёсатнинг тўғрилиги ҳамда ҳаётийлигининг амалий тасдиғидир.

Ишончим комилки, бундан буён ҳам Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар янада изчил ва самарали ривожланиб, юқори босқичга кўтарилди.

Сизга, мухтарам Ислам Абдуганиевич, сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, узок умр, қардош Ўзбекистон халқига раванқ ва фаровонлик тилайман.

Эхтиром ила, Имомали РАХМОН, Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич! Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табриklarимизни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Сизнинг юксак ва масъулиятли давлат раҳбари лавозимидаги изчил ва серқирра фаолиятингиз Сиз бошлаган ислохотларни муваффақиятли давом эттириш ва Ўзбекистон халқининг буюк келажагини таъминлаш йўлида янги юксак марраларга эришиш имконини беради.

Киргизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги аънаванавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланиб, янада мустақамлашшига, янги маъно-мазмун бўлиб боришига ишонаман.

Сизга, мухтарам Ислам Абдуганиевич, сийҳат-саломатлик, улкан муваффақиятлар, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Эхтиром ила, Курманбек БАКИЕВ, Киргизистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МУКОБИЛИК ВА ОШКОРАЛИК АСОСИДА ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ислам Каримов қайта сайланиши муваффақиятининг сабаби шундаки, у ўзининг ваколат муддати давомида мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишига имкон берган «тараққийнинг ўзбек модели»ни яратди ва уни амалга ошира олди, деб ёзади Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги ўз хабарига. Ушбу модел бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни назарда тутгани ва беш асосий тамойилга таянади. Бу чора-тадбирлар Ўзбекистон иқтисодиёти раво ва изчил ривожланиши имконини бергани баробарида мамлакатдаги вазиятнинг барқарорлигини таъминлади. Статистика маълумотларига қараганда, шу йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида Ўзбекистоннинг жорий йилдаги ялпи ички маҳсулоти ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 9,8 фоизга ўсган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қўра, 2008 йилда ҳам мамлакат иқтисодиётидаги жадал ўши тамойилни сақлаб қолади.

Ўзбекистон аҳолисининг сони 27 миллион кишини ташкил этмоқда, уларнинг 64 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Шу муносабат билан И.Каримов ўзининг сайловдаги кампаниясида «уларни Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги кўнини ҳал қилувчи куч», дея баҳолаб, ёшлар муаммосига жиддий эътибор қаратди.

Шунингдек, мазкур агентлик «ташкин ёшлар мустақиллик ва тенг ҳуқуқлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишлариға арашмаслик тамойилларига риоя этиш, дунё мамлакатлари билан ўзаро фойдаланиш алоқаларини ривожлантириш каби жиҳатлар И.Каримовнинг қайта сайланишига муҳим омиллардан бўлди», дея таъкидлади.

«Ўтказилган сайловлар халқро мейёр ва андозаларга мос равишда ташкил этилди, — деди Ўзбекистондаги Президент сайловида кузатувчи сифатида иштирок этган Москва Давлат университетининг Соёбқ шўролар маконидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш бўйича марказ экспедити А.Власов «Франс-Интернационал» радиоси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилган интервьюсида. Сайловнинг демократик ва очик-ошқора ўтганига ҳеч қандай шубҳа йўқдир».

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари Миср Араб Республикаси оммавий ахборот воситаларининг ҳам диққат марказида бўлди. Жумладан, ўз теледастурларини кўпгина араб мамлакатлариға узатадиган «Nile TV» йўлдош телеканалли Ўзбекистонда сайлов куни овоз бериш жараёнларининг бориши ҳақидаги репортажларни мунтазам томошабинлар эътиборига ҳавола этиб турди.

Ўз вақтида ички ишлар вазири лавозимида ишлаган Австриянинг кўзга кўринган сиёсатчиси ва давлат арбоби Карл Блеха Ўзбекистондаги сайлов кампаниясига юқори баҳо берди. К.Блеханинг фикрича, И.Каримовнинг 88,1 фоиз натижа билан сайланиши у олиб бораётган чуқур ислохотлар ва янгиланишлар жараёни мамлакат аҳолиси томонидан кенг қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

— Мен 1995 йилнинг июнида Австрия Федерал канцлери Ф.Враничкийнинг шахсий вакили сифатида Ўзбекистонга ташриф буюриш ва Президент Ислам Каримов билан учрашиш шарафига муассар бўлган эдим, — дея хотирлайди Карл Блеха. — Ушунда менда ва Австрия делегацияси аъзоларида Ўзбекистон етакчисининг чуқур ҳамда атрофлича фикр-мулоҳаза юритиш қўбилияти катта таассурот қолдирган эди.

«Ўзбекистонда сайловлар миллий қонунчилик, демократик тамойил ва меъёрларга мувофиқ ҳамда фуқаролар сайлов фаоллигининг юқори даражаси шариоитида ўтди, дейди киргизистонлик мустақил эксперт Леонид Бондарев. Овоз бериш куни сайлов участкалариға 90 фоиз сайловчиларнинг келгани аҳолининг юксак фуқаролик ва сиёсий масъулиятдан далолат беради. Сайловларнинг муқобиллик асосида ўтгани айниқса муҳим жиҳатдир. Ўзбекистонда президентликка илк марта ба аёл киши номзоднинг илгари сурилган ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизлар фаоллигининг салмоқли даражада олиб бораётганини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, сайловларда И.Каримов кўлга киритгани галаба фуқароларнинг 16 йилдан зиёд давр мобайнида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ва янгиланишларнинг бош йўналишиға нисбатан ишончини англатади. Бу йиллар давомида республи-

ка қатъий қадамлар ташлагани ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, давлат ва жамият ҳаётининг барча жиҳатларини модернизациялаш йўлида изчил ҳаракатланаётди. Шубҳа йўқки, кўзланган марраларнинг барчаси бевосита Президент раҳбарлигида яқин йиллар ичида тўла рўйбга чиқажак. Чунки, Ўзбекистонда аниқ-равшан миллий ғояға эға бўлган қатъий ҳокимият бошқаруви мавжуд ва у муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, фуқаролик жамияти қундалик сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳаётда ўзини тобора фаол намоён этаётди.

Туркия халқро стратегик тадқиқотлар маркази (TUSAM) раҳбари Али Кулебейнинг фикр билдиришича, мамлакатда хоржий кузатувчиларнинг олиб бериши учун барча шарт-шароитлар ярати берилди. Ўзбекистон президенти сайловлари кўп партиявийлик ва муқобиллик асосида, очик ва ошқора тарзда ўтди. Президентликка барча номзодлар учун миллий ва халқаро меъёрларға жавоб беришчи бир хил ва тенг ҳуқуқли шароитлар яратилди. А.Кулебей сайловчиларнинг фаоллигини ва уларнинг республика олий лавозимини учун номзодлар ҳақидаги маълумотлардан хабардорлиги даражасини юксак баҳолади.

Россия Хавфсизлик, мудоға ва ҳуқуқ-тартибот муаммолари академияси вице-президенти Рустан Раҳманалиев билдирган фикрларға қараганда, Ўзбекистонда ўтказилган Президент сайловларини асосли равишда очик, эркин ҳамда демократик жамият қуришға, ижтимоий йўналирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришға қаратилган президент йўналишининг галабасидир, дея аташ мумкин. Унинг фикрича, «Сайловлар фуқароларнинг юксак фаоллиги, уларнинг мамлакат тадқириға катта масъулият билан ёндашиш муҳитида кечди. Сайловларда амалдаги Президент Ислам Каримовнинг галаба эришгани мамлакат мустақиллигининг илк йилларидан ўз тараққий эт ўлини тўғри танланганидан далолат беради. Ўзбек жамияти тинч, яратувчилик йўлидан изчил ҳаракатланмоқдаки, бунда, шубҳасиз, И.Каримовнинг улкан хизматлари бор. «Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ИСЛОХОТЛАР ДАВОМИЙЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айрим кузатувчиларнинг бу сайлов жараёни ва натижаларига нисбатан ноҳолос муносабати уларнинг демократик тамойилларини ўз манфаатларига мос тарзда талқин этишидан бошқа нарса эмас.

Витторжо ЖОРДЖИ, «Евроорист-Италия» Италия юристлар уюшмаси аъзоси, адвокат:

— Ўзбекистонда Президент сайлови куни мен Қарши шаҳридаги ўнта сайлов участкасида овоз бериш жараёнини диққат билан кузатдим. Сайловчилар Президентликка номзодларнинг дастури ва сайловға оид қонунчиликдан етарлича хабардор экани алоҳида эътиборға лойиқдир. Сайловчилар ўз хоши-ироҳасини эмин-эркин ифода этди. Бирор сайловчиға кимнингдир таъйик ўтказганини сезмадим. Номзодлар орасида аёл кишининг борлиги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари доимий ҳимояда эканининг ёрқин тасдиғидир.

Сайловға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишға доир барча тадбирларда, сайлов куни сайлов участкаларида, овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хоржий мамлакатлар, халқаро ташкилотлардан 23 мингдан ортик кузатувчи катнашгани унинг демократик тамойилларға тўла амал қилинган ҳолда ўтказилганининг аққол далилидир.

Сайловнинг эълон қилинган дастлабки натижаларига қўра, Ислам Каримов энг кўп — 88,1 фоиз овоз олгани маълум бўлди. Бу — Ўзбекистон халқи-

нинг мамлакатингизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришға доир йўлни давом эттиришни қўллаб-қувватлашининг тасдиғидир.

Мухаммад Талха МАХМУД АРЪЯН, Покистон Ислам Республикаси Сенати Ички ишлар қўмитаси раиси:

— Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини бир неча сайлов участкасида диққат билан кузатдим. Сайловнинг тенглик, ошқоралик, ҳолис ва адолатли тарзда ўтганининг шахсан гувоҳи бўлдим. Сайлов жараёни миллий қонунчилик, халқаро меъёрлар ва демократик тамойилларға тўла мос ўтказилгани эътиборидир. Сайлов участкалариға одамларнинг эрта тонгданок фаоллик билан кўтаринки руҳ ва ҳуш кайфиятда келаятгани мену жуда ҳайратлантирди. Бу — одамларнинг ўз Ватани, унинг тадқири ва истиқболу учун масъулиятни астойдил ҳис этишидан далолат.

Сайлов участкалари зарур жиҳозлар билан таъминлангани — овоз бериш кабиналари, сайлов арақаларини ташлаш учун шаффоф кўтилар ва бошқа жиҳатлар сайловчилар учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар сирасига қиради. Барча овоз беришчилар Президентликка номзодларнинг дастури, сайловға оид бошқа маълумотлардан етарлича хабардорлиги сайловға юксак даражада тайёргарлик қўрилганининг тасдиғидир.

Сайловчиларнинг кўпчилиги Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлаб овоз бергани халқортларининг жамиятни демократлаштириш ва янгиллаш, барча соҳалардаги изчил ислохотларнинг давом этишиға, эл-

юрти ва ўз келажига қатъий ишончининг амалдаги ифодасидир.

Аккан СУВЕР, «Мармара групп» фонди президенти (Туркия):

— Хоржий давлатлар ва халқро ташкилотлардан келган 300 нафарға яқин кузатувчи қатори мен ҳам юртингизда 23 декабрь куни ўтган Президент сайлови жараёнларини диққат билан кузатдим. Самарқандаги қайси сайлов участкасига бормай, уларнинг қонунчилик, ошқоралик ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юри-таётганининг гувоҳи бўлдим.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик миллий қонунчилик, халқаро нормалар ва андозаларға мос равишда ўтди, деб қолмиш ишонч билан айта оламан. Бу фикрни сайловни кузатган барча халқаро ва маҳаллий кузатувчилар таъкидламоқда.

Мазкур сиёсий тадбир жараёнларини кузатиш асосида шунга амин бўлдимки, сайловчулар тўрттала номзод ва уларнинг дастурлари тўғрисида етарлича маълумотға эға. Барча сайлов участкалари алоқа воситалари, техник жиҳозлар, сайлов қонунчилиги меъёрларига оид адабиётлар билан таъминланган эди.

Самарқанд шаҳри ва Пайарик туманидаги бир неча сайлов участкасида бўлганимизда сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари билан ҳам суҳбатлашдим. Улардан овоз бераётган сайловчилардан ва сайловни кузатаётган халқаро кузатувчилардан ҳеч қандай эътироз ёқи шикоят эшитмадим.

Евгений ВОРСИН, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Бош қотибининг ўринбосари

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНИНГ ТЎКИН ВА ФАЙЗЛИ БЎЛИШНИ КИМ ҲАМ ИСТАМАЙДИ ДЕЙСИ. АНА ШУНДАЙ ТЎКИНЛИККА, АЛБАТТА АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ИНТИЛАЁТГАН МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРИМИЗ МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШМОҚДА. АЙНИҚСА, УЛАРИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР ҚУВВАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТАЙЁРЛАЁТГАН ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ МАМНУН ЭТИШИ, ШУБҲАСИЗ.

ЯНАДА МАЗАЛИ — Янги йилға ўзимизнинг бир неча турдаги шоколад ҳамда бежирим қадоқланган чококремларимизни тақдим этмоқдамизки, бу харидорларимиз дастурхонини янада ширин қилишда муносиб ҳисса бўлади, — дейди поитахти-миздаги «SHARF SHIRIN» хусусий корхонаси бош менежер Бехзод Иминов. — Айниқса, олмаҳон ёнғоғи қўшилган чококремларимиз нафақат болажонларимизға, балки катталарға ҳам байрам тўғриси бўлади.

Корхона цехларига жорий йилда Туркиядан келтирилган янги дастурхонлар ўрнатилгани боис ҳам маҳсулот турлари янада ортиб бормоқда. Янги йилда тадбиркорлар оққора шоколад пастеллари, труппел шоколадлари ишлаб чиқаришни режалаб туришибди. Германиядан келтирилган янги замонавий ишлаб чиқариш линияси бу браода уларға ҳақиқий маддор бўлади.

ЁҚҚАНИНИ ТАНЛАЙСИЗ Сифатли қолбаса ва бошқа турдаги гўшт маҳсулотлари ҳам байрамона иштахангизни очиши турган гап. Ана шунки ҳисобға олган «ЕОМАХ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси бугунги кунға келиб 100 хилдаги қолбаса ва гўшт маҳсулотларини истеъмолчиларға тақдим этмоқда. Шунингдек, «Боярская», «Телчяка», «Браун», «Московская» ва бошқа номлардаги қайнатишган, дулланган, ярим дулланган қолбаса маҳсулотлари, турли хил сарделка ва сосискалар, қадоқланган гўшт маҳсулотлари албатта, истеъмолчилар талабини қондиради.

— Жорий йилда 20 хилдан зиёд янги турдаги маҳсулотларимизни аҳоли дастурхонига тортик этар эканмиз, — дейди корхона менежери Виктор Казанцев, — барчаға ёқимли иштаха тилаймиз. Бу тадбиркорларимизнинг ҳам-шахарларимизға байрам тўғриси бўлади.

ИШТАХАНГИЗНИ ОЧАДИ Табиий шарбат — танға роҳат, дея бежизға айтимайди. Турли мевалардан тайёрланган табиий шарбатлар ёшу кексаға бирдай манзур бўлиши баробарида, организм учун ҳам фойдалидир. Шу боис ҳам ҳар йили янгидан янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришға интилаётган «GREEN WORLD» қўшма корхонаси тадбиркорлари байрам дастурхонига сифатли шарбатларни тортик этмоқда. Корхонада бугунға келиб маҳсулот турлари 70 хилдан ортиқни ташкил этади. Юксак унумли хоржий технология линиялар қувватидан ҳамда маҳаллий хом ашё — шириндан шаклар мева ва सबзотлардан фойдаланиб тайёрланаётган турли хил шарбат, киём, жем ва тузалмалар талаблар даражасида қадоқлангани билан харидорларға манзур бўлмоқда. Айниқса, «Тетрапак» линияси асосида қадоқланаётган 1 литрлик ва шиша банкалардаги 2 литрлик табиий шарбатлар харидорлириги билан ажралиб туради.

Корхонада изланишлар натижасида ишлаб чиқарилаётган қулпуғай-олма-ғилос, олма-қовоқ-лимон арашмалари табиий шарбатлар шодиёна дастурхонини безаш барбариди иштахангизни очади, соғлигингизни мустақамлайди.

СОҒЛИГИНГИЗГА ФОЙДАЛИ Сут ва сутли маҳсулотлар инсон саломатлиги учун фойдали эканлигини жуда яқши билмади. Ана шундай маҳсулотларнинг байрам кунларида ҳам дастурхонини тўқин қилиши, шубҳасиз.

Айниқса, «WIMM-BILL-DANN TOSHKENT» қўшма корхонасининг сут ва судтан тайёрланган қўллаб маҳсулотлари жамоа аҳлининг аҳолиға янги йил тўғриси бўлади.

— Энг муҳими хоржий технология асосида тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг нафақат сони, балки сифати ҳам ортанглиғидир, — дейди корхонанинг тижорат директори Улуғбек Жабборов. — Байрамға атаб бир неча турдаги қаймоқ ва сметаналар тайёрлашға муваффақ бўлди. Агарда 2005 йилда атиги 3 хил-сут маҳсулотлари тайёрлаган бўлсак, бугунги кунда улар 28 хилни ташкил этмоқда. Поитахти-мизда 26 та маҳсус фирма дўконларимиз харидорларимиз хизматида.

Шунингдек, мамлакатимиздаги 468 та савдо шохобчалари орқали корхона маҳсулотлари истеъмолчиларға етиб бормоқда. Айниқса, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида ушбу маҳсулотларнинг ўз харидорлари бор. Энг асосийси эса маҳсулотларнинг мазали таъми, қиройили қадоқланиши, юксак сифати барчаға манзур бўлаётганидир.

Шарифа ИЛЁСОВА

Тадбирлар БОЛАЖОНЛАР ЯЙРАШИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ҲИСОБЛАНГАН МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, ОДОБ-АҲЛОҚИГА ҚАРАТИЛГАН ИБРАТЛИ ТАДБИР ВА МАШҒУЛОТЛАР ҲАМ КўПЛАБ ЎТКАЗИЛМОҚДА. Хусусан, Чилонзор туманидаги «Дўмбировод» маҳалласида бўлиб ўтган «Ватаним — саҳдағоҳим» деб номланган бадиий-муосқавий тадбир ҳам кириб келаятган Янги йил ва юқоридаги хайрли максад йўлида ташкил этилди.

Карнай-сурнай наволари билан бошланган, каттаюки-чик кўнглиға бир олам қувонч бағишлаган ушбу тадбирда маҳалла фаоллари, ота-оналар, 232 ва 188-мактаб ўқувчилари иштирок этиди. —Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди «Дўмбировод» маҳалласи қотиби Йўлдош Мансуров, — ёшларда она-Ватани, маҳалласи, оиласига меҳр-муҳаббат уйғотиш, шунингдек, Асосий Қонунимизни ўрганиш орқали ўз ҳақ-хуқуқи, бурч ва мажбурият, масъулиятларини тўла тушуниб етатиш, ҳуқуқий саводхон, жиёман ва маънан баркамол, мард, ватанпарвар бўлиб вояға етишларига қўмақлашидир. Тадбирда маҳалла оқсоқоли Қомилжон Қайумов, ички ишлар, «Маҳалла» жағмарамсининг туман бўлимлари ходимлари ва узоқ-педагоглар сўз олиб ҳаётий мисоллар орқали ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. 232-мактаб ўқувчиси, «Қамолот» сардори Сардор Исмолов, 188-мактаб ўқувчиси Зарина Фаҳридинова, Умида Абузарова каби бир қатор ўқувчилар дил сўзларини айтар эканлар барчани кириб келаятган 2008 — Ёшлар йили билан муборакбод этдилар. Президентимиз томонидан ўзларига билдирилган юксак ишончдан қўнғиллари тоғдек қўрилганини айтиб ушбу ишончға яқши ўқиб ва ишларимиз билан жавоб берамиз дея ота-оналарни мамнун этдилар. Азиза МУХАМЕДОВА

ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик майдониға қадам қўйган ҳар бир инсон қалбиде эзгу туйғулар жўш уради. Сенат қаршидаги жозибадор фавворалар, йўлқардаги безакли тошлар, тўрт фаслда ҳам гўлқираб турувчи дарак ва яшил майсалар киши баҳри дилини очади. Майдонда 2005 йили Президент Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг улғуворлиги, кўрқу салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди. У халқимизнинг гурур-ифтихорини юксалтиришға хизмат қилади. Монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиваситини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини ақ эътирдан ноёб мажмуудир. У мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, буюк келажакка қатъий ишонч тисмолидир. Ушбу обиде Президентимиз Ислам Каримов госяси асосида таниқли хайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан яратилган.

Майдонға кираверишда қадам рўстлаган Эзгулик арқаси тепасидан парвозда шайланган турналар, халқимизнинг қалбидек, орзуларидек оппоқ лайлақлар дилларда эзгу туйғулар уйғотади. Ушбу табарруқ маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз, авваломбор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қолгани шубҳасиз. Айни пайтда у хоржий меҳмонларимиз учун ҳам эътирозға айланади. Мамлакатимизда ўтадиган умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойма гул қўйиб, ўқиб расмий таомилға айланади. Шунингдек, Ўзбекистонға ташриф буюрадиган хоржий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли макондаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар Монумент пойига гулчамбар қўйиши ҳам аънава турсини олади. Хоржий давлатларнинг юртимизда фаолият юриятган элчиҳоналари раҳбарлари Ватанимиз Истиқлолнинг 16 йиллик байрами арафасида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойма гул қўйгани ҳам ушбу давлатларнинг миллий аънаваларимизға бўлган юксак ҳурмати белгисидир. — Мустақиллик майдонининг тароватини таърифлашға сўз охиш, — дейди Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Респуб-

ликасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Маттис Майер. — Мазкур майдон ва ундаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, бинолар ўзининг улғуворлиги, кўрқу салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалайди. Улар халқингизнинг гурур-ифтихорини юксалтиришға хизмат қилади. — Мустақиллик майдонининг гузаллиги ва бетакорлиги ҳар қандай кишини лол қолдиради, — дейди Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффофий. — Ям-яшил майдон ва маҳобатли бинолар кишида эзгу ҳислар ва ҳавас уйғотади. Бахтиёр Она ва соғлом фарзанд ҳайкали — Мустақиллик ва эзгулик монументи мамлакатингиздаги тинчлик, барқарорлик ва буюк келажакка бўлган қатъий ишонч тисмолидир. Жорий йилда илк марта Мустақиллик майдонида поитахти-миздаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун биринчи дарс — Мустақиллик дарси ўтказилди. Зеро, билимлар оламиға илк қадам, аввало, Ватаним, Истиқлол берган улғу неъматларни, бугунги саодатли к

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР,
ПОЙТАХТИМИЗНИНГ
ҚАДРЛИ МЕҲМОНЛАРИ!**



2008 — Ёшлар йили ҳаммангизга

бахт ва омад келтирсин.

**Ҳар бир онлага тинчлик, осойишталик,
муваффақият ва фаровонлик тилаб қоламиз.
Байрам шукуҳи сизга доимо ҳамроҳ бўлсин.**

«ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**МУҲТАРАМ ВАТАНДОШЛАР,
ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

*Ҳар бир дилга ўзгача завқ-шавқ
бағишлаб, лиммо-лим орзулар
ҳада этиб кириб келаётган*

**ЯНГИ—2008 ЙИЛ БИЛАН
СИЗЛАРНИ САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ.**

*Мустақилликнинг
бир-биридан қутлуғ
йиллари қаторига
қўшилажак Янги йил
ҳам хонадонингизга
тўкин-сочинлик,
файзу барака,
тинчлик-
хотиржамлик олиб
келсин. Қалбингиздаги
яхши тилақларингиз,
меҳр ва
муҳаббатингиз
сизларни асло тарк
этимасин!*



UZBEKTELECOM

TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I FILIALI

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

**Кириб келаётган Янги 2008 йил
барчангизга муборак бўлсин!**

Ишларингиз бароридан келсин,

қўйингиз шодликка тўлсин.

Қўнғилларингиз нурадшон,

дастурхонингиз тўкин,

Янги йилда

барга ниҳтларингиз ижобат

бўлишига тилақдошимиз.



«ИФФАТЛИ КЕЛИН»

ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Янги йил билан!
С Новым годом!
Happy new year!



“O'ZKABEL” OAJ QK

Азиз меҳмонларимиз ҳамда Ўзбекистон ватандошларини Янги 2008 йил билан қизгин муборакбод этади!

Мустаҳкам соғлиқ, келгусида гуллаб яшнашингизда омадлар тилайди!

Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳар, 100041, Ф. Хўжаев кўч., 2
Тел./факс: (+99871) 262 02 86, 262 13 33
marketing@uzkabel.uz www.uzkabel.uz

ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР,
ХУРМАТЛИ ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ!

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ- ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Сизларни кириб келаётган
Янги йил билан
чин дилдан самимий муборакбод этади!

«Ёшлар ўли» деб ном олган янги йилда
сизларга мустаҳкам соғлиқ,
бахт-саодат тилаймиз.

Талаба-ёшларимизга эса ушбу йилда янада
чуқур билим олиб, юксак марраларни
эгаллашларида омад ва зафарлар ёр бўлсин!



ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ ВА САЛОМАТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ ВА
ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

кириб келаётган
Янги 2008 йил билан
чин юракдан қутлайди!



Сизларга янги йилда соғлиқ-омонлик, бахт ва омад,
хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака тилаймиз.

Юртимиз обод ва фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин.



2008 йил барча-барчамиз учун қувончли, хайрли
ҳамаа ютуқларга бой йил бўлсин!

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2008 йил 29 январь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 24 августдаги 10-0610/11340-сонли ижро ҳужжатга асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Уйғур кўчасида жойлашган «ROARO OKA UKA» МЧЖ ҳудудида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AQ265 бўлган, «КАМАЗ-53212» русумли автотранспорт воситаси кўйилади. **Бошланғич баҳо-си-18 540 000 сўм.**

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун хари-дорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошлан-ғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридagi зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альяс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пул-ларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароит-лари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхон-тохур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94,138-69-93. Лицензия DB001-000010.

МИЖОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!!!



РАТБ «Ғаллабанк»

Тошкент шаҳар минтақавий филиали

жорий йилнинг ноябрь ойидан йил якунига қадар қабул қилинадиган

ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

йиллик 25 фоизлик «УМИД» 15 ОЙ МУДДАТГА,
йиллик 26 фоизлик «БАЙРАМ» 3 ОЙ МУДДАТГА,
йиллик 28 фоизлик «ҚОМУС» 2 ОЙ МУДДАТГА.

ФОИЗЛАР ҲАР ОЙ ЯКУНИ БЎЙИЧА БЕРИЛАДИ.


«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Янги 2008 йилнингиз муборак бўлсин!

Ўзининг кўтлүз қадамлари билан кириб келаётган




ЯНГИ—2008 ЙИЛ



байрами арафасида азиз ватандошларимизни, муҳтарам ҳамшаҳарларимизни ва қадрли ҳамкасбларимизни

чин қалбдан муборакбод этиш
бахти насиб этганидан
бениҳоя бахтиёрмиз.
Ҳаммангизга мустаҳкам
соғлиқ, амалга ошираётган
ишларингизда ривож,
оилангизга бахту иқбол,
фарзандларингизга камол
тилаймиз.





Байрам қувончларидан йил
бўйи бахраманд бўлинг!

«BEK STROY GLOBAL»
хусусий корхонаси жамоаси

«SPENTEX TASHKENT TOYTERA» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚИНИ
ЯНГИ 2008 ЙИЛ

билан муборакбод этади!
Келгуси фаолиятингизда
улкан зафарлар,
сиҳат-саломатлик, бахт ва ҳар бир бошлаган
ишингизда омадлар тилаймиз



ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни янги – 2008 йил билан
дилдаги энг эзгу тилакларни изҳор
этган ҳолда самимий
муборакбод этамиз.
Хонадонингиз доимо осойишта,
дастурхонингиз тўкин бўлсин,
оилаларингиздан қут-баракат
аримасин.

«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО»
УЮШМАСИ ЖАМОАСИ



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЦИРКИ
2007 йил 28 декабрдан 2008 йил 13 январгача
Мақтаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида
Тошкент давлат цирки барчангизни
«ЗОЛУШКА»
цирк спектаклига таклиф қилади.
Сеҳрли эртанинг кизиқ воқеалари – сизга мунтазир!
Томошалар соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман
кассирали томонидан сотилмоқда.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар:
144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Банкрот-корхона ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент
чинни заводи»ни тугатиш иши юзасидан Маълумот.
ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг
кредитор ва акциядорларига тегишли суммаларни (тугатиш
жараёнида ўз вақтида олинмаган) олиш учун Тошкент шаҳар
1-сонли Яққасарой туман Давлат нотариусига (манзил: Тош-
кент шаҳри, М.Таробий кўчаси, 8-уй) мурожаат қилиб, ДАТ
«Халқ банки»нинг Яққасарой филиалида (манзил: 100100, Тош-
кент шаҳри, Ш.Абдуллаев кўчаси, 2-«а») очилган депозит ҳисоб
варақаси орқали берилди.
Маълумотнома ва архивга боғлиқ маълумотлар 100207, Тош-
кент шаҳри, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси, 2-даҳа, 29-уйда
жойлашган Тошкент шаҳар Давлат Архиви томонидан берила-
ди.
Заводнинг собиқ ходимлари учун Шахсий жамғариб бо-
риладиган пенсия дафтарчалари ДАТ «Халқ банки»нинг Со-
бир Раҳимов филиали томонидан берилмоқда.

Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усулда
ижарага берилган. Т. 157-62-48, 332-64-65.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба
ва якшанбадан ташқари ҳар куни
соат 9.00 дан 16.00 гача қабул
қилинади. Маълумотлар учун теле-
фон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-
21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй, 2-қават,
208-хона.



IPOTEKA BANK



**Янги йилингиз
муборак бўлсин
Азиз юртдошлар!**

ЎзР МБ №74 сонли лицензияси

«ЎЗБЕКИСТОЙ ТЕМУР БУМЛАРИ»


**ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**



**АЗИМ ПОЙТАХТ АҚЛИНИ ҲАМДА
МЕҲМОНЛАРИНИ**

**2008 — ЁШЛАР ЙИЛИ БИЛАН
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**

*ҲАМИША ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК, ОСУДАЛИК ҲУҚИ
СУРСИН. ЯНГИ ЙИЛ ХОНАДОНЛАРИНГИЗГА ФАЙЗУ
БАРАҚА, ДИЛИНГИЗГА ЭЗГУ ТУЙҒУЛАР ВА ШОДЛИК
ОЛИБ КИРСИН.*



«ONIKS»

**МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР
ВА АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

*КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — 2008 ЙИЛ
СИЗЛАРГА МУБОРАК БЎЛСИН.*

*Янги йилда дилингиздаги эзгу
ниятларингизнинг рўёбини
кўриш, улкан мақсадларингизни
амалга ошириш барчангизга
насиб айласин. Ёшлар йили
яхшиликларга бой бўлсин!*

«ONIKS» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ.



ХКМЧЖ

«VIMM-BILL-DANN TOSHKENT»

*Барча юртдошларимизни қириб келаётган
Янги йил билан муборакбод этади!*

**Янги йил барча юртдошларимизга омонлик,
соғлиқ, омад ва бахт келтиришини тилаб қолади.**

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин азиз юртдошлар!



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1107

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2049 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича
турар жойлардаги почта будимларига еки
«Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6